

СЕМИОТИК МОДЕЛ КОНЦЕПЦИЯСИ

Хавасхон Шокирова Нурмаматовна

*Наманган давлат педагогика институти
доценти, филология фанлари доктори*

Садбархон Нурматова Эркиновна

*Фаргона давлат университети ўқитувчиси,
мустақил тадқиқотчи*

Аннотация. Стоиклар таълимотича, инсоннинг ботиний логоси – унинг онги бўлиб, у сўзлар воситасида нутқий зоҳирланади. Лисон тадқиқи инсон онги сирларини билишга яқинлаштиради, чунки логос онгда шаклланиши ёки лисоний ифода топишидан қатъи назар, бир хил асосга эга бўлиб қолаверади. Предмет ва унга қўйилган номнинг мувофиқлиги – сигматикани юзага келтиради. Мақола ном ва нарса муносабати ҳақидаги долзарб масалага бағишланади.

Согласно учению стоиков, внутренний логос человека — это его разум, который проявляется словесно через слова. Изучение языка приближает нас к познанию тайн человеческого разума, поскольку логос остается одной и той же основой независимо от того, формируется ли он в сознании или находит языковое выражение. Соответствие предмета и присвоенного ему имени создает сигматику. Статья посвящена актуальному вопросу соотношения имени и предмета.

Калит сўзлар: стоиклар, мантиқ, сигматика, ном ва нарса муносабати, предмет, сўз, тушунча, фикр, ақл, мантиқ, логик ва грамматик қоидалар, лингвосемиотика, сўзлар, этимология, илмий қонуниятлар, сигнификат, денотат, объект, семантика, прагматика.

Ключевые слова: стоики, логика, сигматика, имя-объектные отношения, предмет, слово, понятие, мысль, разум, логика, логико-грамматические правила, лингвосемиотика, слова, этимология, научные законы, значение, денотат, объект, семантика, прагматика.

Кўп йиллардан бери тилшунослар сигматика ҳақида фикр юритишдан ўзларини четга олдилар ёки бу мавзунини ёқламадилар. Предмет ва унга қўйилган номнинг мувофиқлиги – сигматикадир. Бу ҳақда манбаларда илмий маълумотлар кам. Стоиклар ҳар бир нарсанинг номини мантиқан унинг келиб чиқишига боғлайдилар. Мантиқ ҳақида фикр юритиш Аристотелдан бошланган: “Якка тушунчалар биринчи моҳият бўлиб, мазмунан бойдир”¹⁶. Унинг устози Платон эса “...умумий тушунчалар

¹⁶ Аристотель. Метафизика. Перев. и примеч. А.В.Кубицкого. М.— Л.,1934, – С.29. 24 Там же, – с. 221. Аристотель. Русск. перев.: Аристотель. Соч., т. 2.— М.,1978. – С.120.

нарсалар моҳиятини ифодалайди”, деб ёзади. “Стоиклар” деб аталувчи кейинги авлод юнон донишмандлари эса ушбу мавзуга “логика” атамасини киритганлар. Стоиклар ўзбек тилида “илм устунлари” ёки “бардошлилар” деб аталиши эҳтимолга яқинроқ¹⁷.

Юнон, рим, ҳинд тилшунослари бу ҳақда ўз қарашларини билдирдилар ва нарса билан унинг номи ўртасидаги муносабат шартли эканини таъкидладилар. Бу баҳс-мунозара машҳур юнон файласуфлари Гераклит ва Демокрит қарашларида ёрқин акс этади. Гераклит (милодгача 540-480 йй.) биринчи қарашнинг вакили бўлиб, ҳар қандай ном у ифодалаган нарса билан узвий боғлиқ, ном нарсанинг моҳиятини очиб беради, деб ҳисоблайди. Демокрит (милодгача 460-370 йй.) эса, аксинча, ном билан у ифодалаган нарса ўртасида табиий боғланишнинг йўқлигини, улар орасидаги муносабат шартли эканини, аждодларимиздан анъана бўлиб ўтгани туфайли шундай номланишини баён қилади. У ўз фикрини ном ва нарса ўртасидаги бир қатор номувофиклик асосида исботлашга ҳаракат қилади:

1) баъзи сўзлар бирдан ортиқ нарсани ифодалайди. Яъни нарса номдан кўпдир;

2) айрим нарсалар бир неча ном билан юритилади, яъни ном нарсадан кўпдир;

3) бир қанча тушунчалар сўз ифодасига эга эмас;

4) даврлар ўтиши билан нарсаларнинг номлари ўзгариши мумкин.

Ном ва нарса муносабати ҳақидаги бу баҳс Афлотун (милодгача 429-348 йй) нинг машҳур “Кратил” диалогига ўз ифодасини топган. Бир-бирига зид икки қарашни ўзида акс эттирган бу диалогнинг майдонга келиши тилшунослик фанининг шаклланиши ва ривожига муҳим бир қадам бўлиб хизмат қилди¹⁸.

Қадимги юнонлар олам мавжудлигининг тарҳи – тартиботини логос билан боғлаганлар. “Сўз, тушунча, фикр, ақл, қонун маъноларини англатадиган юнон тилидаги logos воқеликнинг тартиботини белгилаб беради. Стоиклар таълимотича, инсоннинг ботиний логоси – унинг онги бўлиб, у сўзлар воситасида нутқий зоҳирланади”¹⁹. Демак, лисон тадқиқи инсон онги сирларини билишга яқинлаштиради, чунки логос онгда шаклланиши ёки лисоний ифода топишидан қатъи назар, бир хил асосга эга бўлиб қолаверади. И.М.Тронский ва бошқаларнинг кузатишича, тилга умумий идрок қудратига эга бўлган универсал онгнинг бўлаги сифатида қараган стоиклар физик, логик ва грамматик қоидаларни шакллантираётиб, предмет (воқелик), мантиқ (тафаккур) ва тилни фарқлаш билан бир қаторда,

¹⁷ Хожиматов О.Ф. Одам алайҳиссалом китоби. Монография. – Андижон.: 2011. – 104 б.

¹⁸ Платон. Диалог. – М., Издательство АСТ, 2017., Нурмонов А. Танланган асарлар. II жилд. –Тошкент.: Академнашр, 2012. – Б.8.

¹⁹ Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. – Б.65.

уларни бир-биридан кескин ажратишни истамаганлар ва бу учликнинг илмий тадқиқи учун инсон онгида кечадиган жараёнларга, унинг рухий кечинмаларига мурожаат қилиш зарурлигини кўра олганлар”²⁰ деб баҳолайди Ш.Сафаров.

Қадимги Юнонистон тилшунослик фани учун кўп таълимотларнинг пойдеворини қўйиб берганлиги маълум. Стоиклар қарашлари ва маданияти бошқа халқларникидан ўзгача бўлган. Стоицизм (юнонча, stoa – пешайвон, юнон фалсафий мактаби тарафдорлари йиғилиш ўтказадиган жой) – юнон фалсафаси оқимларидан бири. Стоиклар тарихи уч даврга бўлинади: а) қадимги Стоя (милоддан аввалги 3-2 асрлар; асосчилари – китионлик Зенон, Хрисипп, Клеанф); б) ўрта Стоя (милоддан аввалги 2-1 асрлар; намояндалари – Панэций, Посидоний); в) кейинги Стоя (милоддан аввалги 1-2 асрлар; намояндалари – Сенека, Эпитет, император Марк Аврелий ва бошқалар). Стоикларнинг вакиллари физикада Гераклитнинг абадий алангаланувчи ҳамда сўнувчи олов ҳақидаги таълимотини қайта тиклади. Уларнинг фикрича, мантиқ илми тушунча ва муҳокама сўзларини тўғри тузиш ва қўллашга ўргатиши лозим. Гносеологияда стоиклар сенсуализм мавқеида турдилар. Этикада бурч тушунчасини илгари сурдилар, табиатга мос келадиган ҳаётни олий саховат, деб билдилар. Инсон бир бутун борлиқнинг таркибий қисми бўлиб, унинг ҳаёти тақдир ёхуд зарурий қонуният орқали белгиланади, тақдирга тан бермаслик беҳудадир, инсоннинг ҳақиқий бахти руҳнинг хотиржамлиги, эҳтирослардан холилигидир, дея қарайдилар. Бундай фазилатлар киши ўзини-ўзи тарбиялаши оқибатида шаклланади. Эзгуликнинг дояси – ақл-фаросат, меъёр ва жасоратдир. Буларга зид барча ҳолатлар ёмонлик белгиси ҳисобланади. Стоиклар неоплатонизм ва христианликка сезиларли таъсир кўрсатганлар. Уларнинг қарашлари тил этимологиясини келтириб чиқарди²¹.

Стоиклар ўз фалсафаларида жаҳондаги номувофиқликка ҳамма нарсаларнинг мақсадга мувофиқ бўлишини қарама-қарши қўйганликлари учун, тилни кишиларнинг руҳида табиат талабига кўра пайдо бўлган дейиш билан бирга, сўз предметнинг табиий хусусиятини ифода қилади, деб ҳисобладилар. Улар сўзловчи гапирганида сўз орқали у предметнинг табиати ҳақида қандай таассуротда бўлса, эшитувчида ҳам худди шу хусусиятлар ҳақидаги таассурот туғилади, деб ўйлаганлар.

“Стоиклар ана шу принцип асосида тилнинг пайдо бўлишини товушга тақлид қилиб сўзлаш назариясини олдинга сурдилар, уларнинг фикрича, сўзнинг товуш таркиби билан сўз англатган предмет орасида қандайдир

²⁰ Сафаров Ш. Семантика. Кўрсатилган манба.

²¹ Тронский И.М. Основы стоический грамматики// Романо-германская филология. – Ленинград: ЛГУ, 1957. <https://uz.eferrit.com>stoiklar-va-a...> Мурожаат санаси: 05.11.2020.

ички ўхшашлик, мослик бўлгандан, товуш составида предметдан ҳосил бўладиган тасаввур ҳам акс этади. Масалан, ширин, ёқимли нарсаларнинг номлари ҳам майин, юмшоқ эшитиладиган товушлардан тузилган бўлади. Аксинча, аччиқ, ёқимсиз нарсаларнинг номлари кулоққа ёқмайдиган, дағал товушлардан таркиб топган бўлади. Шу таълимот асосида стоиклар сўзларнинг этимологиясини изоҳлаш масаласи билан шуғулланганлар. Уларнинг этимологияси ҳақиқий илмий этимология эмас эди, албатта”²².

Антик дунё олимлари шундай йўл тутар эдилар: сўзларнинг этимологиясини изоҳлаш мақсадида улар “бирламчи сўзлар”ни аниқлашга ҳаракат қилар эдилар. Бундай бирламчи сўзлар, уларнинг фикрича, товушлар символикаси ёки товушга тақлид қилиш бўлиб, айрим товушларга қандайдир маъно беришга асосланган эди. Гўё тил мана шундай дастлабки, бошланғич тақлидий сўзлардан келиб чиққан, деб ҳисоблаганлар. Ўша пайтлардаги илдиз, яъни сўз ўзаги тушунчаси ҳозирги маънода бўлмай, сўзнинг келиб чиқиш тарихини белгилашга уриниш билан юзага келган эди. Ушбу қадимги грек назарияси тилшуносликка сўнгги асрларгача катта таъсир кўрсатди. Яқин-яқингача немис ва чуваш тилшунослигида ҳам стоикларнинг товушга тақлид назарияси ёқлаб чиқилди²³. Нутқ ва тил категорияларини аниқлаш соҳасига стоиклар анчагина ҳисса қўшдилар. Улар учун атоқли ва турдош отлар бошқа-бошқа категориялар эди, шунингдек, ҳамма сўзлар маънолидир, дейдилар. Бунда улар сўзларнинг грамматик маъносини ҳисобга олганликлари шубҳасиз. Стоиклар от ва феълга синтактик категория деб эмас, балки морфологик категория деб ёндашдилар ва келишикларни ажратиб, ҳар бирига алоҳида ном бердилар, фақат отлар келишик шаклларига эга эканлигини қайд этдилар²⁴. Стоикларнинг мазкур илмий изланишлари, мантиқий қарашлари изсиз кетмади, албатта. Ҳар бир тил этимонида у маълум бир даражада сақланиб қолди.

Кейинчалик немис олими Г.Клаус лингвосемиотика соҳасидаги тадқиқотларини янада ривожлантириб, Ч.Морриснинг семиотик концепцияси асосида табиий тилнинг ўзига хос тўрт структурасини белгилаб берди. У семиотикага оид ютуқларга асосланиб, тилнинг семантика, синтактика, прагматика каби парадигматик қаторини сигматика номи билан юритилувчи қисм билан тўлдирди. Семиотиканинг бу аспекти предмет ва унинг номи билан боғлиқ ҳодиса саналувчи ном мотивацияси ва этимологияси каби илмий қонуниятларни ўз ичига олади. Г.Клаус эса тилга семиотик ёндашиб, унинг гносеологик-прагматик моделини яратди²⁵.

²²Усмонов С. Умумий тилшунослик. – Тошкент.: Ўқитувчи, 1972. 208-б.

²³Усмонов С. Кўрсатилган манба. – Тошкент.: Ўқитувчи, 1972. – Б.17.

²⁴Усмонов С. Ўша манба.

²⁵Ҳақимов М. Нутқий актлар назарияси. – Фарғона нашриёти, 2020. – Б.12.

Белги доим сигнификатга эга, лекин ҳамиша ҳам денотатнинг аниқ мавжудлигини тахмин қилолмайди. Морриснинг денотат ва референтига жуда ҳам кам эътибор қаратилди. Олмон философи Георг Клаус сигнификат ва денотатнинг тушунчаларини ажратишга урингач, референция муаммоси кейинроқ мантиқ, фалсафа ва тилнинг марказида пайдо бўлди. Бу эса бир-бирларидан узоқда бўлган семантика ва сигматиканинг фарқланишига олиб келди. Олимнинг фикрича, семантика объектни ифодаловчи белгининг сигнификатга муносабати билан чекланиши керак, сигматика эса объектни ифодаловчи белгининг денотатга муносабати билан шуғулланиши зарур. Шу тариқа у белгининг тўртинчи қиррасини аниқлай олди. Афсуски, бу қатъий ва кескин ечимни талаб этувчи масала етарлича аниқланмади. Онгли билвосита белгининг объектга муносабати (денотат, референт) тўғрисида айтилгани ҳолда сигнификат (ёки десигнат) ҳисобланади. Сигнификатда объект ва вазият хусусиятлари якуни – ечими ифодаланади. Ушбу хусусиятлар белги интерпретаторини ўргатади. Билвосита ва умумий характерга эгаллик интерпретантга хосликдир. Бу эса семантик ўзгаришларни прагматикага мутлақо қарши қўйиш дегани эмас. Прагматик омилларда Ч.Моррис семиозиснинг воситачилигини ҳисобга олади: белги – бу унинг десигнати бўлиб, интерпретантга фарқланади²⁶. Демак, предмет ва унга берилган ном ўртасидаги муносабат, боғлиқлик сигматикани юзага келтиради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аристотель. Метафизика. Перев. и примеч. А.В.Кубицкого. М.— Л.,1934, – С.29. 24 Там же, – с. 221. Аристотель. Русск. перев.: Аристотель. Соч., т. 2.— М.,1978. – С.120
2. Хожиматов О.Ф.Одам алайҳиссалом китоби. Монография. – Андижон.: 2011. – 104 б.
3. Платон. Диалоги. – М., Издательство АСТ, 2017., Нурмонов А. Танланган асарлар. II жилд. –Тошкент.: Академнашр, 2012. – Б.8.
4. Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. – Б.65.
5. Тронский И.М. Основы стоический грамматики// Романо-германская филология. – Ленинград: ЛГУ, 1957.
6. <https://uz.eferrit.com>stoiklar-va-a...> Мурожаат санаси: 05.11.2020.
7. Усмонов С. Умумий тилшунослик. – Тошкент.: Ўқитувчи, 1972. 208-б.
8. Ҳакимов М. Нуткий актлар назарияси. – Фарғона нашриёти, 2020. – Б.12.
9. Сусов И.П. Лингвистическая прагматика.– М.:Восток-Запад , 2006. – С.23.
10. Шокирова Х. Ўзбек тилида кесимлик категорияси: шахс актант ва унинг нуткий воқеланиши. Филол.фан. номз. дисс. – Тошкент, 2009. – 127 б.

²⁶ Сусов И.П. Лингвистическая прагматика.– М.:Восток-Запад , 2006. – С.23.



11. Шокирова Х. Тилнинг лингвосемиотик структураси (семантик-сигматик, синтактик-прагматик аспект асосида). Филол.фан. доктори дисс. – Фарғона, 2022. – 240 б.
12. Шокирова Х. Саводхонлик асослари. – Фарғона, Classic. 2023. – 186 б.
13. “Descriptive pragmatic construction” nomli ilmiy maqola “Neo Scientific Peer Reviewed Journal” nomli xorijiy jurnal, Amsterdam, Netherlands, ISSN (Online): 2949-7752, JIF: 7.685 Volume 14, October – 2023.